БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 40 (4438).
20 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 нюлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАДҚИҚОТЧИЛАРГА — ЮКСАК МУКОФОТ

Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти узоқ йиллар давомида қон касалликларининг янги даволаш усулларини ва ҳар хил препаратларни ишлаб чиқиш устида узлуксиз илмий изланишлар олиб бормоқда. Қоннинг оғир касалликларидан бири лейкоз хасталиги ҳисобланади. Бу касалликни даволашда бир неча янги дори-дармонлар ишлатилиб, яхши натижа олинди ва беморларнинг саломатлиги анча яхшиланди. Кўп йиллик самарали изланишлар натижаси партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди.

Институт ходимларининг йиғилишида институтга ВЦСПС ва СССР министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг дипломини Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов топширди.

Йиғилишда институт директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Х. А. Ҳакимов коллектив номидан сўзга чиқиб партия ва ҳукуматимизга уларнинг меҳнатларини муносиб тақдирланганликлари учун қизғин миннатдорчилик билдирди.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
институт лаборатория мудири.

Район партия комитети пленуми

Фрунзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг секретари М. Х. Умаров «Фрунзе район партия ташкилотининг районни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантиришга доир ватанпарварлик ташаббусини янада авж олдириш бўйича вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан С. У. Султонова район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. С. А. Хўжаева район партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин ва шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири И. Г. Чиженок иштирок этдилар.

КПСС XXVI съезди делегатлари

Ишчи камолоти



Фарида билан Маъфират фабрика дарғоҳида учрашиб, йиғилишларда бир-бирлари билан саломлашиб юришарди-ю, яқиндан танишиш имкони бўлмасди. Энди дугоналарнинг дил ороғуси ушаладиган бўлди. Самолётда ёнма-ён ўтириб, анча парвоз қилишди. Самолёт ерга қўнди. Замонавий аэропорт. Қадимий Киев шаҳрига саёҳат шу ердан бошланади. Киевдаги биринчи пойафзал фабрикасининг юз йиллик юбилейига таклиф қилинган Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси делегатлар группаси составида оддий ишчи Фарида Аҳмедова билан Маъфират Исҳоқова ҳам бор эди. Улар кўп йиллардан буён мусобақадош корхонанинг юбилей тантаналарида қатнашди, мезбонлар уларга конференция президиумидан жой беришди. Ўн кунлик экскурсия давомида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, ишлаб чиқариш билан яқиндан танишиб, янгиликларини ўрганиб қайтдилар.

Фарида дўстлар дилидан катта таассуротлар олиб қайтди. Ўшанда уч йиллик иш тажрибасига эга бўлса-да, ишлаб чиқаришга қимматли таклиф киритди. Украинлар технологияси асосида кирза этикларнинг орқа чоки тикилмай, балки елимланадиган бўлди. Бундан ишчилар вақтидан, қанчадан-қанча материалларни иқтисод қилишга эришилди. Фарида ни у ишлаётган учинчи цехдагина эмас, балки бошқа цехларда ҳам, умуман фабрикада таниб қолишди.

— Танилмасин-ми?

Саккизинчи синфни битириб, шу даргоҳга ишга келган. Ўткир зеҳни билан тезда заготовкаларни елимлаш, чоклаш, тикиш каби араалаш касбларни ўрганди, ўрта маълумотни бўлди. Олти йил цех комсомол ташкилотига секретарлик қилди. Умумколлектив йиғилишларида сўзга чиқиб, ошириларган мажбуриятлар қабул қилди, қимматли таклифлар айтди. Корхона коммунистлари илғор ишчини ўз сафларига қабул қилдилар.

Ёш коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги новаторлик, коллективдаги жамоатчилик фаолияти кун сайин ортиб борди. Цех маҳаллий касаба союз комитети раиси сифатида фабрика коллективининг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди.

— Биз уч дугона ўн олти ёшимиздаёқ фабрика кучоғига келган эдик,— дея эслайди Фарида.— Шундан буён орадан уч беш йиллик ўтди. Бу беш йилликларда фабрикамиз, унинг коллективи, жумладан мен каби оддий ўзбек қизлари учун юксалиш, ривожланиш, равнақ ва камол топиш йиллари бўлди. Қуёш нури бир томчи сувда акс этганидек, менинг ҳам ҳаётим жонажон фабрикамиз тимсолида акс этиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ўнлаб-юзлаб Фаридалар фабрика билан бирга юксалиб, камол топишяпти. Сифат ва самарадорлик беш йиллигида бош корхонада ишлаб чиқаришни реконструкция қилишнинг иккинчи навбати амалга оширилди. Янги йил арафасида янги корпуснинг ишга туширилиши қўшимча равишда ярим миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқариш имконини берганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Қариб 400 ўринли ошхона ишчилар хизматида. Шунга кўра беш йилликда маҳсулот реализацияси ҳажми 25 процентдан зиёд кўпайди. 200 та янги агрегат ишга туширилди...

Сифат белгили пойафзаллар ишлаб чиқариш тўрт баравар кўпайди. Шулардан бири — полиуретан ошнали эркаклар ярим ботинкасидир. Унинг заготовкаси 3-цехда тайёрланиб, 9-цехда тикиб чиқарилади.

Шуниси характерлики, пойафзал чоки эни миллиметрлаб ўлчангани учун ҳам нозик. Чок эни қийшайдими, маҳсулот сифати пасаяди. Демак, аниқ ишлаш — масъулият талаб қилинади. С. Муслихова мастерлик қилаётган Н. Полешчук бошлиқ бригада аъзоларининг ҳар бири тўла масъулият ҳисси билан ишлаяпти. Иш ниҳояси Фарида Аҳмедовага келиб тушяпти. 22 кишилик бригадада коммунист А. Икромова, Г. Умарова каби илғорлар — коммунистик меҳнат зарбдорлари кўп. Улар партия XXVI съездини биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган.

— Ваъда бердикми, албатта бажарамиз,— дейди бригада бошлиғи Н. Полешчук. — Чунки коллективимиз фахри ҳисобланган тикувчи Фарида Аҳмедова КПСС XXVI съездига ёруғ юз, муносиб туҳфа билан бориши керак.

Амалда ҳам шундай бўляпти.

Уч сайловдан буён Фрунзе район партия комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар ва область партия конференциялари, Ўзбекистон Компартиясининг XIX ва XX съездлари делегати Фарида Аҳмедова КПСС XXVI съездн шарафига қабул қилган оширилган мажбуриятини шараф билан адо этди. Унинг планга қўшимча тайёрлаган заготовкаларидан конвейерларда ярим миллион кишига пойафзал тикилмоқда.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

XXVI

МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИМИЗНИ ҚАБУЛ ЭТ, ШОНЛИ ПАРТИЯ!

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

1981 ЙИЛ ПЛАНИ — УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 64 ЙИЛЛИГИГА!

Тошкент шаҳар партия комитети шаҳардаги илғор корхоналар, ташкилотлар коллективларининг ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш бўйича ташаббусини қараб чиқди.

Қабул қилинган қарорда шу нарса таъкидланадики, шаҳардаги саноат корхоналари ва ташкилотларининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олдилар. 63 цех, 338 участка ва бригада коллективлари, 7 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғори шу йилнинг январь — февраль ойи планини республика коммунистларининг анжумани очиладиган кунгача бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича ҳаракатни ривожлантириб, 266 цех, 1804 участка ва бригада, 31 минг ишлаб чиқариш илғорлари съезд очиладиган кунгача ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили икки ва уч ойлик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бериш мажбуриятини олдилар. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цех юк балкалари слесарлик-йиғув участкаси, «Ўзбексельмаш» бирлашмасидаги тупроққа гербицид сочадиган мосламани ишлаб чиқарадиган цех, экскаватор ремонти заводининг 4-цехи, «Миконд» заводининг 2-цехи, абразив комбинатининг монокорунд цехи, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг нотўқима материаллар участкаси, булка-кондитер комбинатининг 2-макарон ишлаб чиқариши, шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг бадиий-конструкторлик бюроси ва бошқа илғор коллективлар зарбдор меҳнат вахтасини давом эттириб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор меҳнат йили деб эълон қилдилар ва 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг юк балкалари слесарлик-йиғув участкаси (участка бошлиғи В. Аъзамов), «Ўзбексельмаш» бирлашмасининг тупроққа гербицид сочадиган мосламалар ишлаб чиқарадиган цехи (цех бошлиғи А. Мадраимов, партия ташкилотининг секретари В. Старжинский, цех касаба союз комитети раиси В. Дияков, комсомол ташкилотининг секретари В. Завада), экскаватор ремонти заводининг 4-цехи (цех бошлиғи В. Черепанов, партия ташкилотининг секретари П. Копанев, цех касаба союз комитети раиси В. Кулагин, комсомол ташкилотининг секретари Н. Жуманиёзова), «Миконд» заводининг 3-цехи (цех бошлиғи Н. Орипов, партия ташкилотининг секретари З. Қосимов), цех касаба союз комитети раиси Э. Енилеев, комсомол ташкилотининг секретари Л. Яхина, абразив комбинатининг монокорунд цехи (цех бошлиғи У. Мўминов, партия ташкилотининг секретари З. Қосимов, цех касаба союз комитети раиси Н. Похомов, комсомол ташкилотининг секретари Л. Ким), «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси нотўқима материаллар участкаси (участка бошлиғи У. Долимов), булка-кондитер комбинатининг 2-макарон ишлаб чиқариши (ишлаб чиқариш мудири Д. Шереметская, партия ташкилотининг секретари И. Поддубная, цех касаба союз комитети раиси Н. Малеванная, комсомол ташкилотининг секретари И. Ухин), бадиий-конструкторлик бюроси (директори Ф. Маннопов, партия ташкилотининг секретари В. Белов, маҳаллий комитет раиси Ю. Ҳожибеков, комсомол ташкилотининг секретари М. Усощева) коллективларининг ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириғини 7 ноябрга — Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш бўйича ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетларига, бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига 1981 йил планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бажариш бўйича социалистик мусобақани кенг ва ҳар томонлама ривожлантириш, бу қимматли ташаббусни шаҳарнинг барча меҳнат коллективларига ёйиш таклиф этилди.

Район партия комитетларига, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотларига барча корхоналар ва бўлималарнинг ишини танқидий таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш учун қўшимча тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш топширилди. Ишлаб чиқариш ҳажмини, биринчи навбатда, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ички резервлардан яхши фойдаланиш, уюшқоқликни, тартибни ва интизомни кучайтириш ҳисобига ошириш бўйича тадбирлар белгилашга алоҳида эътибор берилсин. Шунга эришилсинки, меҳнат коллективлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича план ва социалистик мажбуриятларни мунтазам бажарсинлар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакциясига, корхоналардаги кўп нусхали газеталарнинг редакцияларига 1981 йил топшириғини Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига бажариш бўйича социалистик мусобақанинг боришини, илғор меҳнат коллективларининг тажрибасини ҳар томонлама ёритиш вазифаси топширилди.



• *Қизил байроқли коллективларда*

Ҳамиша изланишда

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг 15 минг кишилик коллективи ўнинчи беш йиллик даврини фанда ва ўқишда самарадорлик ва меҳнатда ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятда активлик билан ўтказди. Ана шу вақт ичида халқхўжалиги учун 7 минг 500 юқори малакали мутахассис, институт ўзининг 47 йиллик фаолиятида эса 24 минг мутахассисни халқ хўжалиги учун тайёрлаб берди. Республикада биринчи жой йўқки, у ерда институт битирувчилари ишламаётган бўлсин.

Собиқ студентлар қудратли сув омборлари ва тўғонлари бунёд этилишида қатнашмоқдалар, гидроэлектростанцияларни қурмоқдалар, Ўрта Осиё ва Ноқоратупроқ ўлкада ерлар мелиорацияси билан шуғулланмоқдалар.

Аудиторияларда танлаган ихтисослиги бўйича таълим олаётган 13 минг йигит ва қиз орасида Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 36 та ривожланаётган мамлакатидан келган 400 студент бор.

Бўлғуси мутахассислар ижодий изланиш шароитида шакланмоқдалар. Бу ерда студентлар касб-маҳоратларини ошириш билан бирга ўзларининг гражданлик фазилатларини тобламоқдалар.

Ўнинчи беш йилликда илмий-тадқиқот лаборатория ҳажми 3 марта ўсганлиги диққатга сазовордир. Кўпгина илмий ишлар ихтиролар даражасида амалга оширилди.

Институтда ўсимлик ўсишини тезлаштирадиган стимуляторлар синтези бўйича тадқиқотлар ихтиролар даражасида тугалланди. Институт олимлари яратган «Альфа — 3» дефолианти республика хўжаликларида синаб кўрилди. Бу ерда бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликда тўқилган пахтани электрмеханик усулда терадиган машина, «ЗХВ — 1,8» «Дружба» такомиллашган пахта териш машинаси яратилди. Тўқилган пахтани электрмеханик терадиган машиналар макётли намуналари етитта авторлик гувоҳномаси ва битта патент олди.

Бу ва бошқа ишлар олий ўқув юрти олимларининг ижодий изланиши самарадорлигидан, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланаётганлигидан далолат бермоқда. Бу ишлар ўқув-тарбия жараёнларига яхши таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда студентларнинг 82 проценти илмий-тадқиқот ишларига жалб этилган. Натижада ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган диплом лойиҳалар шунингдек аъло баҳоли дипломлар сони кўпайиб бормоқда.

Олий ўқув юртида ўқув жараёнига ўқитишнинг янги ва янада самарали методларини, таълимнинг техникавий воситаларини татбиқ этишга катта аҳамият берилмоқда. Институтда ўқитиш меҳнат тарбияси — пахта терими мавсумида қатнашиш билан муштарак ҳолда олиб борилмоқда.

Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коллективи 1980 йилда ишлаб чиқариш ва иш сифати самарадорлигини оширишда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги ва ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

18 февралда институтнинг мажлислар залида ана шу ажойиб воқеага бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Институт партия комитетининг секретари Х. Х. Ҳайруллаев йиғилишни кириш сўзи билан очди. У Ватаннинг юксак мукофоти учун партия ва ҳукуматимизга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов Кўчма Қизил байроқни институт коллективига топшириб турибди, бу республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда, илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишда эришган муносиб меҳнат белгисидир, деди.

— Биз Ватанимизнинг бу катта мукофотини эъзо бажонидиллик билан қабул қилиб оламиз, — деди ўз сўзида институт ректори, профессор С. Н. Искандаров. — Бизнинг фаолиятимиз учун берилган бу юксак баҳо партия ва ҳукуматимизнинг мамлакатимизда олий таълимнинг ривожланишида кўрсатаётган катта ғамхўрлигидан далолат беради. Биз бу мукофотга ўқув-тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш, студент ёшларнинг сиёсий, меҳнат ва яхши ахлоқий тарбияланишини таъминлаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш билан жавоб берамиз.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. Эркинбоев, институт профессори А. Останков, 4-курс студенти Б. Ганиева сўзга чиқдилар. Йиғилишда республика олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов қатнашди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети номига баланд руҳ билан мактуб йўлладилар.

СУРАТДА: Институтга олий мукофотни топшириш маросими.

ИККИ ЮЗ МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИ

Пойтахт метрополитенининг коллективи партия съезди арафасида муносиб меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Ер ости қаср йўлларга етказиб қўйилган умумий йўловчиларнинг сони 200 миллион кишидан ошди. Пойтахт метроси ишга тушган даврдан бошлаб шаҳримизда ана шунча киши. нинг узоғини яқин қилишга эришди.

Метрополитен коллективи КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси. нинг XX съездларини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммасига социалистик мажбурият олган эди. Бу мажбуриятга кўра, партия съезди очиладиган кунгача планга қўшимча 100 минг пассажир манзилларга етказиб қўйилади. Транспортчилар бу ваъдаларнинг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Метро машинисти Сайфулла Ҳўжаев шу йилнинг бошида тежаб қолинган электр қуввати эвазига партия съезди очилади. ган кунда поездни юргизиш ташаббусини бошлаб берган эди. Бу ташаббус қўллаб-қувватланди.

Партия съезди очиладиган кун Тошкент ер ости қаср бўйлаб кўплаб поездлар тежалган электр қуввати ҳисобига йўловчиларни ташиш билан банд бўлади. Уша куни манзилларга етказиладиган пассажирларнинг умумий сони 280 минг кишидан ошиши мўлжалланмоқда.

Метросозлар бу йил йиллик планни муддатидан илгари бажариш билан бирга, планга қўшимча ярим миллион пассажирга хизмат кўрсатишади. Бундан ташқари, иқтисодий самараси 115 минг сўмдан иборат 240 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилади. 900 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади ва бу қувват эвазига 2200 та поезд юргизилади.

Метрочилар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини ана шундай собит қадамлар билан бошламоқдалар.

МУНОСИБ АРМУҒОН

Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармасига қарашли кинотеатрларнинг коллективлари яна бир меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларидан руҳланиб ва КПССнинг бўлажак XXVI съездига арзигули совға тайёрлашга ҳаракат қилиб янги беш йилликнинг дастлабки йили икки ойлик топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортини беришди.

Кино хизмати ходимлари 3 миллион 374 минг томошабинга хизмат кўрсатиб давлатга 1 миллион 339 минг сўм пул топширдилар. Икки ойда экранларда мамлакатимизнинг қардош студияларида тайёрланган 13 та янги бадиий фильм намойиш этилди.

Бошқарма ходимлари яна ой охиригача давлатга 250 минг сўм пул топшириб 500 минг томошабинга маданий хизмат кўрсатадилар.

Тонгги газеталарда

● Леонид Ильич Брежневнинг «Ҳамма нарсадан азиз» ҳужжатли киноэпопеяси томошабинларига мурожаати эълон қилинган.

● КПСС XXVI съезди ишида қатнашмоқ учун АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгаши Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал бошчилигида Москвага борадиган Афғонистон Халқ демократик партияси делегацияси 18 февраль куни Тошкентда бироз тўхтаб ўтди.

Афғонистон Халқ демократик партиясининг делегацияси шу куниёқ Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

● «Миллионлар меҳнат рапорти» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● 1981 йил 18 февраль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос—1246» учирилди.

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

КЕРАМИКА КОШИНЛАРИ НАМОЙИШДА

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи биносида Германия Федератив Республикаси «Гайль архитектуркерамик» фирмаси ишлаб чиқарадиган «керафлэр» пардозлаш кошинлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. «Тошкент оқшоми» газетаси мухбирининг илтимосига биноан фирма экспорт бўлимининг мудири Клаус Франц Шрёттер бу корхонанинг фаолияти, тайёрланаётган маҳсулотлар, Совет Иттифоқи билан олиб бориладиган алоқалар ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— «Гайль архитектуркерамик» Гессен шаҳрида жойлашган, — дейди Клаус Франц Шрёттер. Бу Германия Федератив Республикасидаги йирик корхоналардан бири бўлиб, керамика буюмлари тайёрлаш билан шуғулланади. Фирма қариб юз йилдан буён ишламоқда. Унинг корхоналари Ғарбий Германиядан ташқари бошқа давлатларда ҳам жойлашган. Тайёрланадиган маҳсулотларни сотиш бўйича бўлимлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Совет Иттифоқида ҳам ташкил этилган.

Биз кўргазмада бир қатор янги буюмларни намойиш қилаётирмиз. Улар орасида меҳмонхоналар, ресторанлар, кино залларни ички қисмини, шунингдек, ошхоналар, санузелларни пардозлашда ишлатиладиган кошинлар бор. Бу кошинларнинг диққатга сазовор жойи шундаки уларнинг қалинлиги бор-йўғи 2,3 миллиметр. Дадил айтиш мумкинки, бу жаҳондаги энг юпқа керамика кошинларидир. Айни пайтда бу кошинлар мустаҳкамликда қалин кошинлардан қолишмайди. Унга бир неча қават глазур бўёғи сўртилиши туфайли кошиналарда дарз кетиш ҳоллари бўлмайди.

«Керафлэр» кошинлари ранг-баранг тусда ишлаб чиқарилади. Улар енгил ва оловга бардош бериш жиҳатидан олий категорияли ҳисобланади. Бундай кошинлар биринчи марта Москвадаги халқаро савдо маркази биноларини пардозлашда кенг кўламда ишлатилди.

Бундан ташқари сузиш ҳовузларининг деворлари ва тубини пардозлашда ишлатиладиган кошинларнинг турли шаклдаги намуналарини ҳам тайёрлаймиз. Фирма Москвада бўлиб ўтган XXII Олимпиада ўйинларига кошинлар етказиб берганлиги билан фахрланамиз. Олимпиада ташкилий комитетининг топшириғига биноан биз Лужникидаги ва Мир проспектидаги бассейнлар қурилиши учун кошинлар етказиб бердик. Бундан ташқари Монреаль, Мюнхен ва аввалги Олимпиадалар бўлиб ўтган шаҳарлардаги объектлар ҳам бизнинг кошинларимиз билан безакланган. Кейинги 80 йил мобайнида биз ўз кошинларимиз билан жаҳоннинг турли шаҳарларидаги 2 мингдан зиёд ҳовузни пардозлаганмиз.

Ўзбекистон пойтахтида бу кўргазманинг ташкил этилишининг боиси бор. Республикангизда кулолчилик санъати қадимий, тарихга эга. Бундан ташқари республикангиз усталари керамика буюмлари ишлаб чиқаришда замонавий усуллар бўйича тажрибалар алмашишлари мумкин.

Тошкентда намойиш этилаётган кошинлар орасида химия корхоналарининг деворларини қоплаш учун ишлатиладиган керамика кошинлари ҳам бор. Улар химикатлар таъсиридан айнимайди, корхонага озодалик ва кўркамлик бахш этади.

Совет Иттифоқи ишончли буюртмачидир. Бу ҳамкорлик беш йилдан буён ривожланиб, равнақ топмоқда. Утган вақт ичида сизнинг мутахассисларингиздан кўпгина тажрибаларни ўрганишга муяссар бўлдик.

Тошкент шаҳрида бўлиш хусусан менга ва фирмамизнинг вакили Кўрт Карлович Шмиттга манзур бўлди. Тошкент бизни маҳлиё этди. Кенг ва равон кўчаларингиз, проспектларингиз жуда ҳам гўзал. Айниқса, Тошкент кишиларининг самимийлиги, меҳмондўстлиги жуда ҳам ёқди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОР МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЎЗАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА

Партия XXVI съездига тайёргарлик, КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси мусобақадош районларнинг меҳнаткашларига янги куч ва илҳом бахш этди.

Тошкентнинг Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилиб, 1981 йил халқ хўжалиги топшириқларини, ўн биринчи беш йилликнинг улкан вазифаларини муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшишга қатъий аҳд-паймон қилдилар.

Шаҳардаги Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари меҳнат беллашуви анъаналарини давом эткзиб белгиланган планларни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тўғрисида шартнома тузиб, 1981 йил учун зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Ишчи коллективларининг юксак марралари

Киров ва Собир Раҳимов районлари корхоналари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича планни 25 декабрда бажарадилар ва топшириққа қўшимча 2 миллион сўмлик ва 4.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. ишлаб чиқариш ҳажмининг 1,4 процент ва 6,5 процент ўсишини таъминлайдилар. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0.7 процент ва 0.8 процент юксалади.

Ҳар икки районда саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришиладн; планга қўшимча 1.800 минг сўмлик ва 1.200 минг сўмлик фойда олинади.

Районларда 52 та ва 183 та янги хилдаги модель ва фасондаги буюмлар ўзлаштирилади.

Киров районида 11 хил буюм, Собир Раҳимов районида 25 хил буюм давлат Сифат белгисига аттестациядан ўтказишга тақдим этилади. Умумий реализация ҳажмида 19,0 процент ва 20,2 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. 400 минг сўмлик ва 740 минг сўмлик планга қўшимча кенг истеъмол буюмлари берилади.

300 тонна ва 189 тонна қора ва рангли металл; 1600 шартли тонна ва 2.250 шартли тонна ёнилғи; 4 минг киловатт-соат ва 2.800 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади, 80 та ва 85 та янги ускуна ўрнатилади.

Ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 2.560 минг сўмлик ва 2.740 минг сўмлик шартли тежамга эришилади.

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари плани Киров районида 25 декабрда, Собир Раҳимов районида 24 декабрда бажарилади; ҳар икки районда қурилишда меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1,0 процент оширилади. 191 минг квадрат метр ва 120 минг квадрат метр турар жой биноси фойдаланишга топширилади.

Қурилиш-монтаж ташкилотларида Н. Злобининг бригада пудрати методида ишлайдиган бригадалар миқдори Киров районида 30 та ва Собир Раҳимов районида 45 тага, улардаги ишчиларнинг умумий миқдори эса 440 нафар ва 897 нафарга етказилади.

Транспорт ташкилотлари юк ташиш планини шу йилнинг 28 декабри ва 26 декабрида бажаришади. Планга қўшимча 69 минг тонна ва 147 минг тонна юк ташилади. Транспорт ташкилотлари планга қўшимча 100 минг сўмлик ва 1.280 минг сўмлик даромад олишади.

Киров районида 2600 нафар, Собир Раҳимов районида 3100 нафар турли касбдаги ишчилар тайёрланади, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 15.700 ва 17.500 нафарининг малакаси оширилади.

Киров район меҳнат коллективлари Жиззах областининг Зарбдор районига қишлоқ хўжалик техникасини ремонтдан чиқаришда, бинолар қуришда ва бошқа ишларда 560 минг сўмлик; Собир Раҳимов райони меҳнат коллективлари эса Сирдарё область Оқолтин районига 420 минг сўмлик ҳажмда оталиқ ёрдами кўрсатишади.

«Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остидаги мусобақага Киров районида 18 корхона ва ташкилот, 55 цех, 110 участка, 423 бригада, 10.000 ишчи; Собир Раҳимов районида 45 корхона ва ташкилот, 129 цех, 294 участка, 585 бригада, 18.950 ишчи жалб этилади.

«Ўн биринчи беш йиллик плани — тўрт йилда» шиори остидаги мусобақага районларда 5 ва 18 цех, 12 ва 67 участка, 46 ва 145 бригада, 2800 ва 9860 меҳнат илғори жалб этилади.

Киров район корхона ва ташкилотларида кадрлар кўнимсизлиги бир процентга, Собир Раҳимов районида 1,3 процентга камайтирилади.

Ҳар икки район саноат корхоналари ва ишчилари ўн биринчи беш йиллик давлат топшириғини 1985 йил 7 ноябрга бажаришади.

ЦЕХЛАР, БРИГАДАЛАР ВА ИШЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ЎН КУНДА, КОРХОНАЛАР ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР ОИДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.
РАЙОНЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЗКУР ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИГА ҲАР КВАРТАЛДА ЯКУН ЯСАЛАДИ.

М. Камолова, Узбекистон Компартияси Киров район комитетининг секретари; **Ж. Жонибеков,** Киров район ижроия комитетининг раиси; **С. Алиев,** Узбекистон ЛКСМ Киров район комитетининг секретари; **Г. Адалев,** Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; **З. Шошина,** «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари; **А. Князев,** 11-«Висотстрой» тресги комплекс бригадаси бошлиғи.

З. Абдураҳимов, Узбекистон Компартияси Собир Раҳимов район комитетининг секретари; **М. Зуфаров,** Собир Раҳимов район ижроия комитетининг раиси; **М. Жалолов,** Узбекистон ЛКСМ Собир Раҳимов район комитетининг секретари; **Х. Тожиев,** «Миконд» заводи директори; **В. Тараторова,** «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси; **С. Котов,** 6-қурилиш трести бригадири.

Икки мусобақадош районнинг корхоналарида, қурилишларида, алоқа ташкилотларида, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида беш йиллик ва 1980 йилдаги меҳнат натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Жойлардаги хўжалик-иқтисодий фаолият чуқур анализ қилинди. «Қолоқларсиз ишлаймиз», «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — ишчи ва инженерлик кафолоти», «Ускуналар тўла қувватда ишласин» каби қимматли ташаббуслар самарадорлиги белгиланди. Бу ташаббуслар Киров ва Собир Раҳимов районларининг меҳнат коллективларида кенг оммалашди.

Меҳнат натижалари қувонарли. 1976—80 йилларда Киров райони индустрияси ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда ва такомиллаштиришда халқ хўжалигининг барча соҳаларида олдинга томон янги қадам қўйди. Натижада саноат ишлаб чиқаришнинг юксалиши беш йил мобайнида план топшириғидан 2.8 процент юқори бўлди, давлат топшириғига қўшимча 37.5 миллион сўмлик буюмлар реализация қилинди, меҳнат унумдорлиги 26,1 процент ўсди.

Районнинг саноат корхоналарида бу даврда 935 та машина ва агрегат, замонавий моделдаги кийимлар, кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

КПСС XXVI съездига бағишланган 1980 йилдаги зарбдор вахталар муваффақиятли якунланди. 22 декабрда давлат плани бажарилди, ишлаб чиқариш ҳажми 6.8 процент ўсди. Бу юксалишнинг қарийб ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, янги фондлардан омилкорлик билан фойдаланиш, ишчиларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш ҳисобига кўпгина корхоналар топшириқларининг эмас, балки социалистик мажбуриятларни ҳам ортиғи билан адо этдилар. Булар орасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш» бирлашмаси каби коллективлар бор.

1980 йил планини қурилиш-монтаж ташкилотлари коллективлари ҳам дурустроқ кўрсаткичлар билан якунлашди. Пудрат ишлари топшириғи 11 процент ортиғи билан адо этилди. 77,9 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди; Киров райони аҳолиси 80,9 минг квадрат метр уй-жой майдони, учта болалар боғчаси, 1 та умумтаълим мактабига эга бўлдилар.

Транспорт ташкилотлари топшириққа қўшимча 68 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташидилар, планга қўшимча 91 минг сўмлик фойда олинди.

Беш йиллик мобайнида Собир Раҳимов райони саноат, транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари коллективлари юксак меҳнат ва ижодий активлик намуналарини кўрсатдилар. Бу ерда айниқса, ростовликлар ва янгийўлликлар ташаббуси асосидаги мусобақа самарали бўлди. Беш йиллик мобайнида районнинг 26 саноат корхонаси планларни муваффақиятли уддалаб, қолоқларсиз ишлашти. Фақат ўтган йил мобайнида республика ва мамлакат халқ хўжалиги Собир Раҳимов районидан қўшимча 5,2 миллион сўмлик ялпи маҳсулот олдилар.

Кўпгина корхоналарда меҳнат самарадорлигини оширишда, асосий фондлардан фойдаланишда мутахассисларнинг ишлаб чиқаришнинг реконструкциялаш ва техник даражасини ошириш, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий этиш учун актив кураш олиб бориши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айнан мана шу туфайли «Миконд» заводи, 10-автомобиль ремонти заводи, «Турист» комбинати, кўн-галантерея буюмлари фабрикаси, ўраш-қадоқлаш бўйича конструкторлик бюроси ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак сўръатларга эришдилар.

ОЛҒА ИНТИЛИБ, КАТТА ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТАЙЛИК

План ва мажбуриятларни бажаришда район қурилишлари ҳам муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Улар пудрат ишлари йиллик планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига қадар бажардилар. Айниқса, «Узкопстроймонтаж» трести, 6-қурилиш трестининг 7-қурилиш бошқармаси, «Узкультстрой»нинг ремонт-қурилиш бошқармаси ва бошқа коллективлар яхши меҳнат қилишди.

Собир Раҳимов районининг транспорт ташкилотлари коллективлари план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли уддалашди. Улар планга қўшимча 2.3 миллион йўловчи, 94 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташишди.

Оталиқдаги колхоз ва совхозларга дурустгина ёрдам кўрсатилди. Жумладан, «Оқ олтин» ва Пискент районлари пахтазорларида 30 минг тонна пахта ҳосили йиғиб-териб берилди. Калинин ва Тошкент районларида 8 минг тонна дағал хашак, 2 минг 450 тонна сабзавот ва мева йиғилди.

Меҳнат ютуқлари салмоқли. Аммо шу билан бирга коллективлар эришилган натижаларга танқидий назар билан, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми талаблари асосида ёндашиб, бундан кейин ҳам меҳнатни ташкил этишни янада такомиллаштиришлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун фаол кураш олиб боришлари, мавжуд резервлардан тўла фойдаланишлари лозим. Бир қатор корхоналарда ҳали ҳамма проблемалар ҳам тўла ҳал этилганича йўқ, ишлаб чиқаришда аҳвол танг бўлган участкалар бор. Бу умумий меҳнат натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Жумладан, Киров районида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқларни уддалай олмади. Асбобсозлик заводи ва тамаки фабрикаси кенг ,истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқнинг бажарилишини таъминламади, маҳсулот таннархининг анча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Бир қатор корхоналарда—«Ўртоқ» кондитер фабрикасида, Тошкент қурилиш материаллари саноати бирлашмасида қўл меҳнати салмоғи юқори—70 ва 60 процентни ташкил этади.

Капитал қурилишда ҳам анчагина нуқсонлар бор. Тамаки фабрикасини, шунингдек «Узбексельмаш», асбобсозлик заводларини реконструкциялаш секин боряпти, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лаборатория корпуси қурилиши чўзилиб кетди.

Районда трестлар томонидан план топшириқларининг комплекс бажарилишига, объектларни фойдаланишга топириш норматив муддатларига риоя қилишга, уларни бир маромда фойдаланишга топширилишига эришилмади. Йирик массивлардан бўлган Юнусободда мактаб, савдо корхоналари, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш, маданий-маиший объектлар қурилиши орқада қолаяпти. Собир Раҳимов районида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича 1980 йил топшириғини агрегат заводи, 10-авторемзавод, дурадгорлик буюмлари заводи уддалай олмади. Тошкент ёғочни қайта ишлаш, металлни қайта ишлаш бирлашмалари, дурадгорлик буюмлари заводи, 10-авторемзавод маҳсулот таннархининг юз миғлаб сўмликка қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Турар жой қурилиши трести коллективи турар жойни фойдаланишга топириш планини бажармади. 3- ва 5-маршрутли автобус паркларида ҳаракат графигига яхши риоя қилинмайди. «Райпишчеторг»нинг 12 магазини йиллик пландагидан 434 минг сўмлик кам товар оборот қилди.

Бу ва бошқа нуқсонларни ҳал этиш, 1980 йил план ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун таъсирчан мусобақа ташкил этиш масаласига партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарларининг, барча меҳнат коллективларининг диққат-эътиборлари қаратилиши керак.

Мусобақадош районларнинг корхоналари ва ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси муҳокама этилиши мобайнида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш бўйича бир талай қимматли таклифлар айтилди. Юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Меҳнат коллективларининг бурчи барча белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга оширишдан иборат.

Корхона ва ташкилотларда зарбдор вахта давом этяпти. Жумладан, Киров районида 5 цех, 12 участка, 46 бригада коллективи 2,8 минг ишлаб чиқариш илғори ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажаришга ваъда бердилар.

Кировликлар КПСС XXVI съездига муносиб совға тайёрлашяпти. 68 бригада, участка ва цех коллективлари съезд очилишига қадар икки ойлик ва квартал топшириқларини бажариш ҳақида рапорт берадилар. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекэнергоремонт» корхонаси коллективлари, тамаки фабрикаси, 1-автобаза 23 февралда икки ойлик планни бажариш мажбуриятини олишди.

«Қолоқларсиз ишлаймиз» шиори остидаги мусобақага 18 корхона ва ташкилот, 55 цех, 110 участка, 436 бригада, 10 минг ишчи қўшилди. Бу барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат суръатини ошириш, шартномадаги мажбуриятларнинг ўз муддатида ва белгиланган ассортиментда бажариш имконини беради.

Район саноат корхоналари коллективлари йиллик планга қўшимча юзта пахта сеялкаси, 500 минг тишт, 3 минг эркаклар костюми, 9 минг ҳар хил асбоблар, 500 минг сўмлик кондитер буюмлари тайёрлашга қарор қилдилар.

Қурилиш-монтаж ташкилотлари ходимлари турар жой қурилиши планини муддатидан илгари бажариш, белгиланган муддатдан аввал 2.744 ўринли 3 та мактаб, 141 минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топширишни, тугалланмаган иш ҳажмини 4 процентга камайтиришни белгиладилар.

Кировликлар ҳам баҳорги экиш ишларини амалга оширишда, 1981 йилдаги ғалла-терим мавсумини яхши ўтказишда оталиқдаги колхоз ва совхозларга фаол ёрдам кўрсатадилар. Бу даврда «Зарбдор» райони хўжаликларига 20 та кўчма автоустахона, 70 та слесарь ремонтчи юборилади.

Турар жой фондини капитал ва жорий ремонт қилиш плани 20 декабрда бажарилади. 39 минг квадрат метр турар жой майдони юқори сифатда ремонтдан чиқарилади. 12 та уйга «Намунали тартиб ўрнатилган уй», ҳар бир ЖЭКда бир участкага «Намунали тартиб ўрнатилган участка» номи берилади.

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари юксак планлар ва мажбуриятлар қабул қилишди. Партия XXVI съезди очиладиган кунгача 8,4 минг ишлаб чиқариш илғори, 274 участка, пех ва бригада коллективлари икки ойлик ва квартал планларини бажаришади.

Йил мобайнида топшириққа қўшимча 42 компрессор, 389 билур буюм, 185 комплект ётоқхона набори ва бошқа буюмлар тайёрлаш белгиланди.

Қишлоқ хўжалиги учун маҳсулот ишлаб чиқариш 10 процентга кўпаяди. Қишлоқ хўжалик машиналари учун планга қўшимча 27 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар берилади.

Капитал ва жорий ремонт бўйича йиллик план 25 декабрда бажарилади. 26 минг квадрат метр турар жой «яхши» баҳода ремонтдан чиқарилади.

Икки район меҳнаткашларининг 1981 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида социалистик мусобақада янги юксак чўққиларни эгаллашга коллективлар қатъий аҳд қилганликлари ифодаланган.

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА

АДДИС-АБЕБА. Бундан етти йил мўқаддам, революциянинг дастлабки кунларида ташкил қилинган ички тақсимот давлат корпорацияси Эфиопия аҳолисини кенг истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Ушанда унинг маблағи атиги 4 миллион бир эди. Бугунги кунда корпорациянинг обороти 514 миллион бирга етди. бутун мамлакатда унинг 52 бўлими ишлаб турибди.

Эфиопиянинг етакчи коммерсия ташкилоти ўзи ташкил этилганидан кейин ўтган йиллар мобайнида ички давлат савдосининг мустаҳкам негизини вужудга келтирди. мамлакатда қатъий харид нархлари ва чакана нархлар ўрнатилишига ёрдам берди.



СУРАТДА: Совет Иттифоқи ёрдамида Вьентьянда бунёд этилган авторемонт устахоналарининг цехларидан бирида. Москва автомобиль заводининг инженери В. М. Полинов Лаос ишчиларини совет юк автомобили «ЗИЛ-131» билан таништирмоқда.

В. Соболев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЕР КУРРАСИ БЎЙЛАБ САФАР

ҚОҲИРА. Америкалик иккі ҳаво сайёҳи Луксорда ҳаво шарига тушиб осмонга кўтарилдилар ва олам бўйлаб саёҳатни бошладилар. Ҳаво шарида Атлантика океанини ва бутун Американи учиб ўтган Максим Андерсон билан Дональд Айда ер куррасн атрофидаги 32.000 километрлик масофани 8—10 кун ичида учиб ўтишни мўлжалламоқдалар.

Шар Арабистон ярим оролидаги қумликлар узра жанубий-шарқий йўналишда учиб кетди. Ҳаво аппарати ҳаво шарида оламга саёҳат тўғрисидаги машҳур фантастик романнинг автори шарафига «Жюль Верн» деб аталган.

5.500 куб метр геляй тўлдирилган ҳаво шари 7.500 метрдан 9.000 метргача баландликда соатига 250 километргача йўл босиб, тез ҳаво оқимида учиши керак. Ҳаво сайёҳлари тўхтамасдан учишни мўлжалламоқдалар, гарчи улар муваққат мажбурий қўнишларни ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас деб ҳисоблашаётган бўлсалар-да. Улар бутун учиш давомида кислород маскаларидан фойдаланадилар.

Эҳтимол тутилаётган маршрут Покистон, Ҳиндистон, Бирма территориялари устидан, сўнгра Тинч океан орқали Аляска, Канада, Қўшма Штатлар орқали Атлантика океанини кесиб ўтиб, шарқий ўрта денгиз районида ниҳоясига етади.

СОВЕТ КИТОБЛАРИ ВИСТАВКАСИ

МАДРИД. Барселонадаги каталония миллий кутубхонасида очилган виставка «Совет Иттифоқида китоб» деб аталган.

Виставка «Испания—СССР» уюшмасининг каталония филиали «халқаро китоб» ташқи савдо бирлашмаси билан биргаликда СССРнинг Испаниядаги элчихонаси ҳамда «Рубинос» китоб савдоси фирмасининг кўмагида ташкил этилган.

Саккиз юздан кўпроқ китоблари бўлган хилма-хил экспозицияга В. И. Ленининг, марксизм-ленинизм классикларининг, рус ва совет ёзувчиларининг асарлари қўйилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китоби, унинг партия ва давлат қурилиши, КПСС ва совет ҳукуматининг ташқи сиёсий фаолияти масалаларига доир асарлари виставканинг дастлабки томошабинларида зўр қизиқиш уйғотди.

Каталония парламентининг раиси Эррера Эрибертo виставканинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Испания билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда виставка катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

ИНСОН ВА АТРОФ – МУҲИТ

БУДАПЕШТ. Ўтган беш йилликда Венгрияда кўкаламзор майдонлар анча кенгайди. Ҳозирги пайтда мамлакат территориясининг 17 процентн ўрмонлардан иборат. Бу республиканинг кўкаламзор жойларини авайлаб сақлаш натижасидир.

Ёғочни қайта ишлаш саноати билан ўрмончилик хўжалиги ўртасида планларни аниқ мувофиқлаштириш дарахтларни оқилона кесиш имконини берди. Эндиликда завод ва фабрикаларга муайян миқдордаги ёғоч — тахта қоборилмоқда. Шу билан бирга ёғочни қайта ишлаш корхоналарининг қуввати ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш ва ёғоч чиқиндиларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига икки баравар оширилди.

Ўрмон—халқ хўжалиги йирик тармоғининг хом ашё базасигина эмас, албатта. Кейинги йилларда ўрмонлардан туристик мақсадларда фойдаланиш учун кўпгина ишлар қилинди. Венгрия территориясининг ўрмонларида 130 та дам олиш зонаси жойлашган. Масалан, Венгрия пойтахтининг аҳолиси бўш вақтларини шаҳар атрофидаги ўрмонда ўтказишни маъқул кўради. Бу парк мамлакатда энг йирик ўрмонлардан бири ҳисобланади.

∴∴∴

УЛАН-БАТОР. Монголиялик олимлар республика территориясини сейсмик жиҳатдан районлаштириш ҳариталарини тузиб чиқдилар. Лойиҳачилар ва қурувчиларга бу ҳариталар жуда қўл келди. Мазкур ҳариталар монголиялик меъморларга янги аҳоли пунктларини лойиҳалашда мамлакатнинг исталган районидаги сейсмик активликни ҳисобга олиш имконини бермоқда.

∴∴∴

МЕХИКО. Мексика Юкатан штатининг қарийб бутун территориясини чигиртка босди. Бутун ўсимликнинг офати бўлган бу ҳашаротларга қарши курашиш учун махсус отрядлар сафарбар этилди.

• • •

ЯУНДЕ. Габонда мамлакатнинг мукаммал географик ҳариталари тузила бошланди. Илгариги ҳариталар республикани иқтисодий ривожлантириш талабларига мос келмаганлиги сабабли янги ҳарита тузиш зарурати туғилди.

Картография ишлари аэрофотосъёмкалар йўли билан амалга оширилади.

• • •

ДЕҲЛИ. Ўрмонларни муҳофаза қилиш — Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ишлаб чиқилган янги программанинг мақсадидир. Ўрмонзорлар штат территориясининг ярмидан кўпроғини эгаллаган бўлиб, маҳаллий саноат ривожланишининг асосини ташкил этади. Ёғочни қайта ишлаш ва мебелсозлик корхоналари маҳаллий саноатда етакчилик ролини ўйнайди. Янги программага биноан ўрмон ресурсларидан планли фойдаланилади. Бу йил штатнинг турли районларида 6 миллион туп қимматли дарахт кўчатлари ўтказишга қарор қилинди.

∴∴∴

ТОКИО. Мамлакат ичкарисидаги Япон денгизининг Кобе порти районида сунъий орол вужудга келтирилди. Денгиздан 436 гектар майдонни ажратиб олиш учун орола 80 миллион куб метр тупроқ тўкишга тўғри келди. Ана шу ишларни амалга ошириш ўн беш йил давом этиб, унга ярим миллиард иенадан ортиқ маблағ сарфланди. Оролнинг марказий қисмида 20 минг оилага мўлжалланган уй-жой массиви қурилади.

ДЕНГИЗ САЙЁҲИ СИНДБОД ИЗИДАН

КОЛОМБО. Денгиз сайёҳи Синдбод Шри Ланка соҳилларига етди. Унинг «Соҳар» номли кемаси яқинда мамлакатнинг жанубидаги Галле портига келиб тўхтади.

Ирландиялик 39 ёшлик географ олим ва ёзувчи Тим Северин араб эртакларидаги қаҳрамон денгиз сайёҳининг юришини такрорлаб баён этилган воқеалар эҳтимолини текшириб кўришга, қадимги сайёҳларнинг океан орқали катта йўл босишлари мумкинлигини исбот этишга қарор қилди.


Капитан Тим Северин ва унинг 18 кишидан иборат халқаро экипажи— уммонликлар, инглизлар, Янги зеландияликлар қадимги араб хроникаларидаги расмларга қараб кема ясадилар. Бу кеманинг ёғоч каркаси бирон мих қоқилмай копра арқонлар билан боғланган. Кемадаги иккита каттакон учбурчак елкан унинг тузуккина тезликда сузишига имкон беради.

Команда юлдузлар ва қуёшга қараб мўлжал олиб, қадимги навигация приборларидан фойдаланяпти.

«Соҳар» 26 ноябрда Уммоннинг Маскат портидан чиқди. Ривоятга кўра денгиз сайёҳи Синдбод шу ердан йўлга чиққанди. Кема қулай шамолдан фойдаланиб Покистон ва Ҳиндистоннинг ғарбий соҳиллари бўйлаб Малдив ороллари ёнидан ўтди.

9.600 километрли йўлнинг ярми орқада қолди. Бундан кейинги маршрут Ҳинд океани, Андамен, Никобар ороллари орқали Малакан бўғозидан Сингапур, Суматра, Гонконггача боради.

Саёҳатни июль ўрталарида тугатиш мўлжалланади.



АНГЛИЯ. Апельсин усулидаги мана бу оригинал автомобиль (суратда) Лондондаги автомобиль виставкасида намойиш қилинмоқда. Унинг яратувчиси К. Аткинсон бу антиқа моделни ижод этгунча икки йил вақт сарфлади.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

Тошкент оқшоми

Ҳатлар

XXVI

Партия режалари — халқ режалари

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Коммунистнинг шахсий намунаси

МУСОБАҚА ЕТАКЧИЛАРИ

Шу кунларда, яъни КПСС XXVI съезди очилиши арафасида Тошкентдаги резинатехника буюмлари заводи коммунистлари, комсомол аъзолари, барча ишчилари бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди материаллари барча цех, участка коллективлари ўртасида пухта ўрганиб чиқилди. Бу эса партия XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириш учун янги, қудратли омил бўлди.

Коммунистлар социалистик мусобақада етакчилик қилмоқдалар. Равшан Назаров коммунистлар анжуманини биринчи квартал планини бажариш билан кутиб олиш учун ғайрат билан ишламоқда. У ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олди. Пешқадам коммунистнинг ташаббусини корхона партия комитети маъқуллади. Ҳозир кўпгина коммунистлар унинг изидан боришяпти. Транспортчи Аҳмаджон Наврўзов ҳам ўз зиммасига худди шундай мажбурият олди. Прессловчил а р д а н Яковлева, Карпина, қирқувчи Маҳмудов, жами 22 ишчи ўн биринчи беш йиллик планнинг тўрт йилда бажаришга азму қарор қилдилар.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Ишчилар мамлакатимиз коммунистларининг анжумани шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишяпти. Улар съезд йили планини 28 декабргача бажариш, планга қўшимча кўплаб резина-техника буюмлари ва 20 минг сўмлик кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутишяпти. Қўл меҳнатини қисқартиришга катта эътибор беришяпти. Кўпгина маҳсулотларга Сифат белгисини олиш учун кураш қизғин боряпти. Рационализаторлик ҳаракати ҳам тобора кенгаймоқда. Планга қўшимча 36 минг сўмлик фойда олиш кўзда тутиляпти. Бу ерда электр энергияси, металлни тежаш ҳаракати ҳам қизғин тус олган. Қисқаси, бутун коллектив коммунистлар етакчилигида съездга ёруғ юз билан, меҳнат армуғонлари билан бормоқда.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.



«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Асосий йўналишлари лойиҳасини қизғин муҳокама қилмоқда. Бирлашма меҳнат аҳли лойиҳадан келиб чиқиб, ўзининг ўн биринчи беш йилликдаги янги марраларини белгилаб олди. Шу кунларда учқунчилар коммунистларнинг олий анжуманини муносиб кутиб олиш учун интилмоқдалар. Ушбу суратда тайёрлов-ўраш цехининг илғор ишчиси Моҳира Турғунова акс этган. У смена топшириқларини 20-30 процентга ошириб адо этиб, партия съездини муносиб шахсий меҳнат армуғони билан қарши олиш учун курашяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ВАТАН ПОСБОНЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ҳозир бутун мамлакатимиз киностудияларида Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти хизматчиларига бағишлаб ишланган картиналар кенг намойиш этилмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яратилган бадиий фильмлар халқимиз жасорати, унинг қуролли кучлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу киноасарларда Улуғ Октябрь революцияси, граждан урушлари ва иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеалар ўзининг бадиий аксини топган. Уларни томошабин зўр ҳаяжон билан кўради, ҳозирги тинч, фаровон ҳаёт учун халқимиз олиб борган тарихий курашнинг гувоҳи бўлади.

Бу борада айниқса ҳужжатли кино усталари томонидан яратилган фильмлар алоҳида эътиборга лойиқ. «Жанговар байроқ остида», «Барҳаёт саҳифалар», «Мангу қаҳрамонлар», «Улуғ Ватан...», «Унутулмас йиллар», «Ленинград жасорати», «Москва остонасида немис-фашист қисмларининг тор-мор этилиши», «Волга бўйидаги буюк жанг», «Курск ҳалқасида», «Агар ўз уйинг азиз бўлса», «Оддий фашизм» каби ленталарда Совет Армияси куч-қудрати, босиб ўтган жанговар йўллар тасвирланади. Экранда немис-фашист босқинчиларининг ваҳшийона ишлари, қаршилик кўрсатиш отряди қаҳрамонлари ва Европадаги халқ қўзғолонлари бирма-бир намоён бўлади. Улар томошабин қалбида чуқур таассурот қолдиради.

Яқинда совет кинематографчилари ишлаган «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг», «Генерал Шубников корпуси», «Дайди ўқ», «Армия — менинг ҳаётим» каби янги бадиий фильмлар ҳам томошабин ҳукмига ҳавола этилди. Ўйлаймизки, Улуғ Ватанимиз посбонларига бағишлаб яратилган бу картиналар кинематографчиларнинг Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз флоти кунига муносиб совға бўлади.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ҚУРИЛИШ ҚИЗҒИН

Шаҳримиздаги Ўрол Тансиқбоев кўчаси кундан-кун обод бўлиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда янги истиқомат масканлари, маъмурий ва маиший бинолар кўчанинг меъморий кўринишига мос тушмоқда. Мазкур кўчада иш олиб бораётган Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг «Жилстрой» трестига қарашли «Ташросстрой» бошқармасининг Р. Салиҳов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг хизмати айниқса таҳсинга лойиқдир.

БУГУН

ана шу бригада аъзолари бу ерда янги 5 қаватли 50 оилага мўлжалланган турар жой биноси қурилишини бошлаб юбордилар. Бригада коллективи анжуман очиладиган кунгача бинонинг пойдеворини қуйиб тугатишга сўз берган.

С. ЭШМИРЗАЕВ.



• БИНОКОРЛАРНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИ

ЖАДАЛ СУРЪАТ БИЛАН

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 11-«Висотстрой» трести бунёдкорлари шу кунларда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлашмоқда. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти ва Энгельс кўчалари туташган чорраҳа бурчагида «Узколхозстрой»нинг 15 қаватли биносини қураётган 75-қурилиш бошқармасига қарашли Анатолий Голубев бошлиқ комплекс бригада қурувчилари эса объектда иш суръатини кун сайин оширишмоқда. Ҳозир бинонинг 13 қаватида девор панелларини монтаж қилиш ишлари жадал олиб бориляпти.

Бригада қурувчиларининг звенолараро мусобақалашиб ишлаётганлиги ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда. Айниқса, В. Гарипов бошлиқ звено ҳар муваффақиятларимизнинг асосий омили қурилишда ишни бажаришдан бошланади. Шундай бўлса ҳам улар ўзларига ишониб топширилган масъулиятли вазифани пухта бажаришга ҳаракат қилишади. Ёш қурувчилардан дурадгор З. Иззаев, электр пайвандчи Н. Жуманиёзов каби бинокорлар топшириқларини муntазам равишда оширибгина қолмай, бригада муваффақиятига сезиларли улуш қўшишмоқда.

Бригада коллективи партиямиз XXVI съезди шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишган. Улар Чорсу майдонидаги кўп қаватли «Москва» меҳмонхонасини бунёд этаётган Колганов бошлиқ бригада қурувчилари билан мусобақалашишган. Ана шу мусобақа туфайли А. Голубев бошлиқ бригада январь ойи топшириғини 105 процентдан ошириб адо этди.


— Муваффақиятларимизнинг асосий омили қурилишда ишни тўғри ташкил этишга катта аҳамият бераётганлигидир, — дейди прораб Ғ. Муҳамедов.

Бино шу йил фойдаланишга топширилади. У пойтахтимиз қиёфасига ажойиб гўзаллик бағишлайди. А. Голубев бошлиқ бригада бунёдкорлари, илғор қурувчилардан дурадгор Н. Клименко, электр пайвандчи А. Качков, ғишт терувчи Р. Пак ва бошқалар амалга ошираётган бунёдкорлик меҳнати муҳташам бинонинг кўркам қиёфасида акс этган бўлади.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: илғор қурувчилардан электр-пайвандчи М. Мирраҳимов ва бригада бошлиғи А. Голубев; объект фойдаланишга топширилгач, ана шундай кўркам қиёфа касб этади.

Автор фотолари.



Сўраган экансиз...

ҲАР КАСБНИНГ ЎЗ ГАШТИ БОР

Ҳурматли редакция! Биз машинисткалик ва стенографисткалик касбига жуда қизиқамиз. Шаҳримизда шундай касб эгаларини тайёрлайдиган махсус курс бор экан. Ана шу курс ҳақида, бу ерда қандай ихтисосдаги касб эгалари тайёрланиши тўғрисида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.

Д. Обидова, М. Маҳкамова, К. Шукурова ва бошқалар.

Бир группа оқшомхонлардан келган ана шу саволга жавоб қайтаришни биз стенография ва машинкада ёзиш республика курсларининг директори **М. Муродовдан илтимос қилдик.**

— Маълумки, шу кунларда бутун совет халқи КПСС Марказий Комитетининг партиямизнинг бўлажак XXVI съездига лойиҳасини қизғин муҳокама этиб, уни ниҳоясига етказмоқда. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида ҳам кадрлар тайёрлашни, жумладан стенография, машинкада ёзиш ҳамда иш юритишни биладиган ва давлат органларининг бошқарув аппаратларида ишлайдиган кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш алоҳида уқдириб ўтилган.

Мана, ярим асрдирки, республикамизда ягона хисобланган стенография, машинкада ёзиш ва иш юритувчилик курслари шундай кадрларни халқ хўжалигимиз учун етказиб бермоқда.

Маълумки, бундай курслар республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев ташаббуси билан ташкил этилган эди. Шу йиллар мобайнида 10 мингга яқин малакали кадр тайёрланди.

Бизнинг курсларимизга қизиқиш ва талаб тобора ошиб боряпти. Бунинг боиси секретарь-машинистканлик, секретарь-стенографистканлик ихтисослигидаги касб эгаларининг ҳудди бизнинг курсларимизда тайёрланишидир.

Идора ходимларига талаб ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб 10 йилдан буён йилига икки марта ўқувчиларни қабул қилмоқдамиз. Ўтган йилнинг декабри ва шу йилнинг январида ўқувчилар қабул қилдик.

Хўш, курсларга кимлар кириб ўқиши мумкин? Шуни айтиш керакки, 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган, 8—10 синф маълумотидаги шахслар бизнинг курсларимизда касб ўрганадилар. Шу кунларда ўқувчиларни эрталабки, кундузги ва кечки бўлимларга қабул қилиш давом этяпти. Шуни таъкидлаш керакки, курсимизни битирган кишиларни иш билан таъминлаш гарантияланган.

Қабул шартлари билан батафсил танишишни истаганлар Тошкент шаҳар, Олмазор кўчасидаги 174-уйга мурожаат қилишлари мумкин. Бу курслар Комсомол кўли ёнидаги бинода жойлашган.

ЙЎЛОВЧИНИ ЎЙЛАБ

«Барча турдаги транспортда пассажирларга хизмат кўрсатиш анча яхшилансин».

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳасидан).

Ўнинчи беш йилликда шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасидаги коллективлар ўртасида пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича мусобақада 2-трамвай депоси коллективи кўп маротаба ғолиб чиқди. Бу коллективнинг беш йилликдаги кўрсаткичларя кишини қувонтиради. Бу муддатда 240 миллион йўловчига хизмат кўрсатилди. Шундан 4 миллиондан ортиғи планга қўшимча бўлди. 1979 йилдаги мусобақада депога Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар Комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Депода трамвайларни линияга чиқаришда бошқармада энг юқори кўрсаткичга эришиляпти. Бунда ремонт цехлари, мойлашювиш участкалари ишчиларининг улуши салмоқли. Ремонт цехларида оғир юмушларнинг ҳаммаси тўла механизациялашган. Мастер ва бош механикларнинг хоналарига, диспетчер пунктига репродуктор ва радио ўрнатилган. Бу инженер-техник ходимлар билан ремонтчилар, маршрут бошлиқлари, бригадалар ва ҳайдовчилар алоқасини осонлаштиряпти, ремонт ишларини намунали ташкил этишда кўл келяпти.

40 йилдан зиёд умрини электр транспортини юксалтиришга сарфлаган коммунист, Октябрь Революцияси ордени кавалери Қобил Назаровнинг қўл остидаги слесарлар трамвайининг тормоз колоткаларини алмаштиришда ва моторини созлашда тенги йўқ мутахассислардир. Тажрибали мастер Қ. Назаров шогирдлари Рустам Тўлаганов, Юрий Журавлёв, Шукрулло Осимовлар билан бирга ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, ҳар куни 20—25 трамвайни созлашяпти. Уларнинг хизмати туфайли депо ўтган йили трамвайларни аҳоли хизматига чиқариш планини 100,2 процент бажарди. Бундай юқори кўрсаткичга ҳали шаҳардаги бирорта депо эришгани йўқ.

— Депо коллективи «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини кенг муҳокама қиляпти. У транспортчиларни янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга чорлаяпти,— деди депо директори Маҳмуд Валиев биз билан суҳбатда — Бу мужим ҳужжатда **«...транспорт системаси иши самарадорлиги ва сифатини ошириш транспортнинг асосий вазифасидир»** деб таъкидланган. Коллективимиз бу вазифани бажариш учун режалар белгилашяпти, қимматли таклифларни ўртага ташлашяпти. Транспортчиларимиз аҳолига янада намунали хизмат кўрсатиш мақсадида бекатларда, корхоналар ва ўқув юртлари ёнидаги савдо тармоқларида абонемент сотиш нуқталарини кўпайтиришни, тажрибали ҳайдовчилар ишини оммалаштиришни таклиф қилмоқдалар. Ҳайдовчилар абонемент сотишдан озод қилинса, транспорт ҳаракати ҳавфсизлиги ортади, ҳаракат мунтазамлиги бузилмайди. Йўловчиларнинг қимматли вақти тежалади.

2-депо коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида катта режалар билан меҳнат киляпти. Умуман, шу йил 47 миллион йўловчига хизмат кўрсатилади. Партия анжуманига қадар планга қўшимча 20 минг, Улуғ Октябрь байрамининг 64 йиллигига қадар эса 100 минг йўловчига хизмат кўрсатилади. Вагонларнинг ремонт сифатини ошириш билан бирга, йил охиригача йўловчилар ташиш таннархи 1 процентга камайтирилади.

Депо коллективи 1-трамвай депоси коллективи билан мусобақалашиб меҳнат қилмоқда. Айниқса, маршрут ҳайдовчилари ўртасидаги меҳнат беллашуви қизғин тус оляпти. Вокзал — Бешқайрағоч массиви оралиғида катновчи Юсуф Назаров бошлиқ бўлган 8-трамвай маршрути ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишда ижодий изланиб меҳнат қилмоқда. Бу маршрутда ҳар куни 20 та трамвай, 23—24 минг йўловчи манзилини яқин қилмоқда. Авариясиз юрувчилар мастери, Ўзбекистон Олий Советининг депутати Н. Абдуллаҳаева, Р. Ашурбекова, М. Тожиев, И. Шоюсупов ва бошқалар кунлик иш нормаларини ортиғи билан бажаришдан ташқари, ҳар кварталда бир ёш ҳайдовчини мустақил трамвай бошқаришга ўргатишяпти. Аҳолига юксак даражада хизмат кўрсатаётган Ҳаким Содиқхўжаевнинг вагонини кишилар «табассум вагони» дейишади. У йўловчиларга хушмуомалаликда ном чиқарган, у ҳақда бошқармага ҳамшаҳарларимиз кўплаб миннатдорчилик мактублари юборишади. Ҳ. Содиқхўжаев йўловчилар ташиш бўйича беш йиллик топшириғини муддатидан аввал бажарди. Ҳозир у бутун коллективи сингари КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга интиляпти.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
кўп нусҳали «Мотор» газетасининг редактори.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Анъанавий конференция

Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрида Тошкент Давлат медицина институти профессор ва ўқитувчиларининг анъанавий ўқув-методик конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда «Тинчлик ва хавфсизликнинг ленинча йўлидан», «Олий ўқув юртларида имтиҳонлар ва зачётлар олишни ташкил қилишнинг муҳим масалалари», «Институтда ғоявий-тарбия ишларини янада такомиллаштириш» деган мавзуларда докладлар ўқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори, доцент К. Ш. Зайнулин, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг юридик факультетининг декани, юридик фанлари доктори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор А. А. Аъзамхўжаев, Тошкент Давлат медицина институти партия ташкилотининг секретари, доцент Т. А. Даминовлар ва бошқа ўртоқларнинг докладлари зўр қизиқиш билан тингланди.

Секция машғулотларида 70 дан зиёд доклад ва ахборотлар тингланди. Бу доклад ва ахборотлар педагогика ишларини янада такомиллаштиришнинг турли масалалари, эстетик тарбия, ўқув жараёнини уйғунлаштириш ва такомиллаштириш сингари муаммоларга бағишланди.

Шундай қилиб, икки кун давомида институтнинг профессор ва ўқитувчилар коллективи томонидан ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштириш бўйича катта иш қилинди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича институт олдига қўйилган масалаларни ҳал қилишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходими У. Т. Аджимолаева, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, профессор К. Й. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрининг ўринбосари С. Н. Неъматов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор В. В. Воҳидов ва институтнинг таниқли олимлари, профессорлари, ўқитувчилари, шунингдек Тошкент фармацевтика институти ва Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтининг вакиллари иштирок этишди.

Р. НУРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат медицина институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЯНГИЛИК ШАРОФАТИ

Тошкент каби йирик шаҳарнинг хўжалигини бошқариш мураккаб иш. Буни ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети турли соҳалар бўйича автоматлашган бошқарув системалари яратиш ишини жадаллаштириш бўйича қатор қарорлар қабул қилишган. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош ҳисоблаш маркази ташкил этилган бўлиб, унга «АСУ Тошкент»ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича асосий ташкилот функцияси берилган.

Ҳозирнинг ўзида етти системани қамраб олган «АСУ Тошкент»нинг биринчи навбати ишлаб чиқаришда фойдаланишга қабул қилинди. Бунга расмий ҳужжатлар бажарилишини назорат қилиш (АСКИРД), йўл ҳаракатини тартибга солиш, маиший хизматни ва уй-жой бошқармасини бошқариш автоматлашган системалари киради. Шунингдек, «Водоканал» трести» трамвай-троллейбус бошқармаси, меҳнат бўлимида АСУ ташкил қилинган.

Ана шу системаларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Промавтоматика» давлат лойиҳалаш институти, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош ҳисоблаш маркази коллективлари томонидан амалга оширилди. Уларнинг жорий этилиши қандай натижа берди?

Масалан, АСКИРД ҳисоботларни системали олиб бориш, расмий кўрсатмалар (шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорлари, юқори органларнинг директив ҳужжатлари) бажарилишини таҳлил ва назорат қилиш ҳамда ижроия комитет раҳбарларига ижро интизомининг ҳолати ҳақида ахборот тайёрлашни таъминлайди. «Шаҳар уй-жой бошқармаси» АСУсининг асосий мақсади — шаҳар турар жой фондидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ободонлаштириш ва уй-жойни сақлаш даражасини кўтариш учун шароит яратиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, унумсиз қўл меҳнатига харажатларни қисқартиришдир. «Водоканал» трестида АСУ ёрдамида бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили, сув тарқатиш ва канализация хизмати, техник-иқтисодий планлаштириш, моддий-техника таъминоти автоматлаштирилди.

Айниқса, «ГАИ» АСУси ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим. Уни ишлаб чиқишдан мақсад — транспорт ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шаҳарда 1974 йилдан бошлаб 40 чорраҳада йўл ҳаракатини телемеханик бошқариш, 1980 йил охиридан бошлаб 50 чорраҳада электрон-ҳисоблаш техникаси қўлланилган система жорий этилянти.

Мавжуд системаларнинг («ГАИ» АСУси-дан ташқари) саноат эксплуатацияси коллектив фойдаланишдаги ҳисоблаш маркази бўлган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош ҳисоблаш маркази техника базасида ва абонент ахборот пунктларида амалга оширилади. Шундай қилиб, «АСУ Тошкент»нинг биринчи навбати шаҳар хўжалиги хизматларининг ишини, самарадорлиги ва сифатини яхшилаш имконини беради. Янги ва ишончли ахборот асосида меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган хулосалар чиқарилади. Ҳисобларга кўра, АСУнинг жорий этилиши йилига 3 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара беради.

АСУнинг жорий этилиши нафақат иқтисодий, балки катта социал ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтидан қўлланма фойдаланиш ва меҳнат кашларнинг турмуш шароитини яхшилаш, моддий ресурсларни тежаш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

О. ТОҒАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Бош ҳисоблаш марказининг бошлиғи.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. САИДАКБАРОВА, З. ЖЎРАЕВА: Биз тикувчилик касбига жуда қизиқамиз. Айтингчи, Собир Раҳимов районида шу касбни қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Собир Раҳимов районидаги Охунбобоев номли ва бошқа маданият уйларида тикувчилик курслари бор. Агар Сиз юқори малакали чевар бўлишни истасангиз I-Қорақамиш массивидаги 30-техника билим юртига ўқишга киринг. Бу билим юртига 15 ёшдан ошган, 8—10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

* * *

Б. КАМОЛОВ: Мен сартарошлик касбига қизиқаман. Шаҳримизда ана шундай касб эгаларини тайёрлайдиган билим юрти борми?

Жавоб: Сиз ҳам аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг турли соҳалари бўйича касб ўргатувчи 30-техника билим юртига ўқишга киришингиз мумкин. Бу ерда сартарошлар ҳам тайёрланади.

Билим юртига 42, 43, 43-экспресс, 56-автобуслар ва 27-трамвайда бориб, «Мактаб» бекатида тушилади.

* * *

М. РОЗИҚОВА: Мен ўрта мактабни битиргач, савдо техникумига ўқишга киришга аҳд қилдим. Шу техникумнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда совет савдо техникуми бор. У «Самарқанд» автостанцияси яқинида, Шота Руставели кўчасидаги 105-уйда жойлашган.

* * *

Ҳ. СОБИРОВ: Бизнинг электр самоварimиздан сув окадиган бўлиб қолди. Уни тузаттириш мумкинми?

Жавоб: Сиз «Металлобитремонт» комбинатининг шаҳримиздаги ийрик бозорларда жойдашган устахоналарига мурожаат қилинг. Ана шу устахоналарда электр чойнак, самовар ва бошқа шу каби маиший приборлар ремонт қилиш йўлга қўйилган.

* * *

М. НОРХЎЖАЕВА: Синиб қолган зонтикни тузаттирмоқчи эдим. Бундай ишлар қайси устахонада бажарилади?

Жавоб: Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Илғор» бирлашмасининг устахоналарида синган зонтикни тузатиришмумкин. Бундай устахоналар Марказий ва Госпитал бозорларида, Чилонзорнинг Октепа майдонида жойлашган. Ана шу устахоналарда портфель, чамадон ва сумкаларни ҳам ремонт қилиб беришади.

* * *

С. ЖЎРАЕВ: Электрон қўл соатларини ремонтга қабул қиладиган устахонанинг адресини берсангиз.

Жавоб: Сиз «Техсложбытприбор» бирлашмасининг «Сергели-2» массивидаги 8-уйда очилган қабул пунктига мурожаат қилинг. Бу ерда электрон қўл соатлари ва микрокалькуляторлар ремонтга қабул қилинади.

* * *

Э. МУСЛИМОВ: Тошкент аэропортидан учувчи ва шаҳримизга келувчи самолётлар ҳаракати ҳақида телефон орқали маълумот олиш мумкинми?

Жавоб: Тошкент аэропортининг справка бюросига кўнғироқ қилиб, самолётлар ҳаракати ҳақидаги маълумотларни олишингиз мумкин. Бюронинг телефонлари: 91-61-01, 53-66-01, 53-66-02, 53-66-03, 53-23-33.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

20 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да Кузнинг биринчи куни (19.00), 21/II да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/II да Ўжарлар, 21/II да Кулги кечаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/II да Кузнигни каттароқ оч (19.00), 21/II да Гуноҳкор авлиё (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Латвия ССР халқ артисти Степан Денисов раҳбарлигидаги «БЕНГАЛ ЙЎЛБАРСЛАРИ» аттракционнинг гастроллари (19.30).

КИНО

20 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЎЗ ГУЛИНГНИ ЧИЗ» — Тинчлик.

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЕСИ»— Мир.

«ГЕНЕРАЛ ВАТУТИНГ» — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.

«ҲАЁТ МАНБАИ НОЙДАН ИБОРАТ ЭМАС» — Искра.

«КОНЦЕРТГА ПЎЛ»— Пионер.

«БУ МЕНИНГ ҚАЛБИМДА ЭДИ» — Улуғбек.

«ЛЕНИНГРАД ФРОНТИ»— Лисунов номли.

«МОРДОВИЯ, ВАТАНИМ МЕНИНГ» — Дружба.

«АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР» — Фестиваль.

«УМУМХАЛҚ ҲАСОРАТИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ЕР ВА ОСМОН ЎРТАСИДА» — С. Раҳимов номли.

«ЙИЛЛАР ЎТИБ» — Москва.

«ДЕСАНТЧИЛАР» — Чайка.

«МАНШУК»— Ҳамза номли.

МАНГУЛИК ҲУҚУҚИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18.30, 20.45; кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-39-11), Чайка (16, 21.00, телефон 77-06-20), Қозогистон (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), Дружба (17, 18, 20.30, телефон 66-15-75), Москва (17, 20.00, телефон 44-39-11), Чайка (18, (16, 18.30, 20.45), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (17, 20.00 телефон 33-44-52), Лисунов номли (20.00, телефон 96-34-02), Восток (17.30, 20.30 телефон 91-14-61), Нукус (18.30, 20.45, телефон 46-70-69).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-66-07), Мир (тоқ соатларда), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ»— Восток (жуфт соатларда), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (16, 18.00 да телефон (78-47-25).

«ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГРАЖДАНЛАРИ ВА МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШОБЛПОТРЕБСОЮЗ»нинг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАЙЁРЛАШ-СОТИШ БАЗАСИ ОТЛАР, ЙИРИК ВА МАЙДА ШОХЛИ ҚОРАМОЛЛАР, ЧУЧҚАЛАР, УЙ ПАРРАНДАЛАРИ ВА ҚУЁНЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

СЎЙИБ беради

СУЙИШ ҚУЙИДАГИ ҚУШХОНАЛАРДА БАЖАРИЛАДИ:

МАРКАЗИЙ СЎЙИШ ПУНКТИ—Назарбек кўприги олдида (айланма йўлдан борганда).

КИРОВ РАЙОНИДАГИ СЎЙИШ ПУНКТИ —Татарлар поселкаси, 38-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ СЎЙИШ ПУНКТИ —Лангар кўчаси, 12-тупик, 6-уй.

Куйбишев шоссесида;

Қорасарой кўчаси, 127-уйда.

ҚОРАМОЛЛАРНИ ҚУШХОНАГА ОЛИБ КЕЛИБ СЎЙИШ ВА УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Қорамол қушхонада сўйилганда териси баҳосига 7 процентли қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, Прохладный проезди, 2-уй (18 автобус, 15-троллейбусининг «Ўзгариш» бекати). Телефонлар: 53-10-33, 53-10-24.

КАРТОГРАФ-ГРАВЕРЛАР ВА КАРТОГРАФ-ЧИЗМАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

КУРСЛАРГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати— 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ҳар ойда 63 сўмдан стипендия берилади.

Курсларга қабул қилинганларга бу йил топография техникуми ёки шу ихтисос бўйича олий ўқув юртининг сиртқи бўлимга кириш учун шароит яратиб берилади.

Курсларни тугатиб бир йилдан ортиқ ишлаган илғор ишчиларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда институт тайёрлов бўлимида ўқиш учун йўлланма берилади.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, Володарский кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (5-болалар касалхонаси ёнида. 17, 69-автобуслар, 13, 22-трамвайлар, 17, 18-троллейбусларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

МЕҲНАТ БЎЙИЧА БЎЛИМИ

ШУНИ ХАБАР ҚИЛАДИКИ

Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктларига 1981 йилда ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга бўлган талаб тўғрисида ахборотлар ташкил этиш юзасидан

ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИЛАР

Шартнома тузмаган корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар аҳолини ишга жойлаштириш бюроси хизматидан фойдаланмайдилар, чунки ишчи кадрлар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга бўлган талаб тўғрисидаги барча ахборот-справка ишлари фақат Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш бюросида тўпланади.

ШАРТНОМА ТУЗИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти— У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти— М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти— К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти —Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти— 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти— район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 131-ўрта мактаб номидан **Раҳматова Ёқут** номига берилган 502654 номерли йўқолган

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 40-мактаб томонидан **Раҳматова Сурият** номига берилган 247512 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми томонидан **Каримқулов Пиримқул** номига берилган 006979 номерли йўқолган.

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Революция ветеранлари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ногиронларининг умумий типдаги

ТОШКЕНТ ПАНСИОНАТИГА

медицина ҳамширалари, санитаркалар, лифтчилар, қоровуллар, ошпазлар ва ошхона ишчилари, секретарь-машинистка.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 270-уй — аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг пункти.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

СИЗЛАРНИ ВА СИЗЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНГИЗНИ

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



«Болалар дунёси»дан харид қилган ўйинчоқларингиз фарзандларингизга маъқул бўлади. Нега деганда қўғирчоқлар ва ҳайвончалар жонлидек, автомобиллар, самолётлар ва кемалар ҳақиқийдек бўлиб, ёркин бўёқлар берилгандир.

Жажжи болалар учун шиқилдоқлар, полихлорвинилдан тайёрланган пуфланадиган ўйинчоқлар (кит, мушукча, самолёт);

каттароқ ёшдаги болаларга — юк машинаси, ағдарма машиналар, пойга автомобиллари — ёғочдан, пластмасса ва металлдан тайёрланган, богча асбоблари, қўғирчоқлар учун ошхона мебеллари, идиш-товоқлар.

Чебурашка ва тимсоҳ Гена, духобадан тикилган айиқча, қуён ва кучукчалар болаларнинг содиқ дўстлари бўлиб қолишади.

Безанган Лола, Зумрад, Таня, Оля, Гулноралар қизалоқларда катта ҳаяжон уйғотади!

Боғча ёшидаги ва мактабнинг бошланғич синфларида ўқийдиган болалар учун қизиқарли стол ўйинлари — «Хоккей», «Бильярд», «Кегельбан», босма босилган ўйинчоқлар кўплаб сотувга қўйилган.

«Болалар дунёси»дан Сиз сайлга чиқиладиган аравачалар, икки ва уч гилдиракли велосипедлар харид қилишингиз мумкин.

«Болалар дунёси»дан харид қилинган сабоқли ва мароқли, қувноқ ўйинчоқлар фарзандларингизнинг ҳар бир дақиқасини қувноқ ўтказишда ёрдам беради.

ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ.


ТАТИБ КЎРИНГ—МАЗАЛИ!

Томат соусида ва ўз ёғида пиширилган консервалардан фақат совуқ закуска ўрнидагина фойдаланилмайди. Балиқ консерваларидан хилма-хил суюқ ва қуюқ овқатлар ҳам тайёрлаш мумкин.

Уй бекаси бир оз бош қотирса ва озгина қўшимча вақт сарфласа, ҳуштаъм окрошка, запеканка, салат тайёрланиши мумкин.

Эътиборингизга бир неча рецептларни ҳавола қиламиз:

ботвинья (совуқ кўкат шўрва)



Исмалоқ билан шовилни алоҳида қайнатилади, ғалвирсимон чўмичдан ўтказилади ва совуқ квасга аралаштирилади. Майда тўғралган кўк пиёз (суви чиққунча туз қўшиб қориштирилган), куб шаклида майда тўғралган бодринг, укроп, шакар қўшилади ва таъбга қараб тузланади. Дастурхонга балиқ ва хрен қўшиб тортилади.

1 литр нон квасига: 250 грамм исмалоқ, 250 грамм шовил, 2 дона бодринг, 100 грамм кўк пиёз, 50 грамм хрен (илдизи), 30 грамм укроп, бир ош қошиқ шакар ва бир банка консерва («Скумбрия» ёки «Сардина» ўз ёғида қовурилган). Консерва банкасидан чиққан ёғ қўшилмайди.

БАЛИҚЛИ ҚУЛЧА

Картошкани пўчоғи билан қайнатилади, совутилади, тозаланади. Гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Унга сарёғ, тухум, туз қўшилади. Картошка қоришмасига хом тухум ва доғ қилинган пиёз аралаштирилган балиқ қиймаси солинади. Кулчанинг юзига тухум сурилади, духовкада 5—6 минут пиширилади.

Битта кулчага: 1—2 дона картошка, 20 грамм балиқ, бир дона тухум, чоракка пиёз, ёғ, туз.

КОНСЕРВАЛАНГАН СКУМБРИЯДАН САЛАТ

Консерваланган бир бўлак скумбрия балиғи майдаланиб, унга пиширилган тухум, кубик шаклида майдалаб қўшилади, майда тўғралган пиёз, кўк нўхот билан аралаштириб, устидан майонез қуйилади. Консерва банкадан чиққан ёғдан салат қилишда фойдаланилмайди. Салатни пиширилган тухум бўлакчалари, петрушка барги билан безатилади.

Бир банка консервага: 3 дона пиширилган тухум, 150 грамм кўк нўхот, ўртача уч бош пиёз, 250 грамм майонез, петрушка.

УЙ БЕКАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Чилонзор район озиқ-овқат савдоси бўлимининг магазинлари ўз ёғида ва томат соусида пиширилган «САРДИНА», «СКУМБРИЯ», «СТАВРИДА», «МИНТАЙ», «ГОРБУША», «САЛАКА», «КИЛЬКА» ва бошқа хил балиқларни тавсия этади.

Балиқ консервалари таом хилларини кўпайтиради, туристик саёҳатларда, шаҳар чеккасига сайрга чиққанда асқотади.

ЧИЛОНЗОР РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«ТАШПРОМТОРГ» НИНГ 17-МАГАЗИНИ

СОВУҚ КУНЛАРДА КИЙИЛАДИГАН КИЙИМЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

МАГАЗИНДАН ЎЗИНГИЗ ВА БОЛАЛАР УЧУН ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАР ВА ҚИШҚИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИ, АЕЛЛАР ПАЛЬТОЛАРИ, ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ТРИКОТАЖНИНГ НИМАСИ ЯХШИ?

Трикотаж қишда иссиқ ва яраишқидир. У модали, чиройли, қулай. Кири тез кетади. Шунинг учун биз ишга ҳам, театрга ҳам, меҳмонга ҳам трикотаж кийимлар кийиб борамиз. Ҳамма ерда ўзимизни эркин ва қулай ҳис этамиз.

17-магазинда Литванинг (Каунас) трикотаж фабрикасида ишлаб чиқарилган трикотаж буюмлар кўплаб сотувга қўйилган.

Хотин-қизларнинг қизил, олча ранг, пушти, гунафша рангли, белбоғли ва белбоғсиз калта камзуллари; болалар учун костюмлар (тўр кўйлак ва комбинезон, кофта ва шим); қизлар учун нимчалар, гамашлар.

ИССИҚ БОТИНКАДА ҚИШ ПИСАНД ЭМАС.

Емгирли кунларда кийиш учун қалин резина таг чармли, хром ботинкалар харид қилишни тавсия этамиз. Қишнинг қуруқ совуқ кунларида эса сукнодан тайёрланган ботинка маъқул. Бундай ботинкада кўчада оёғингиз совуқотмайди, хонада юриш енгил.

МАГАЗИНИМИЗНИНГ ПОЙАФЗАЛ БЎЛИМИДА ҚУЙИДАГИ БОТИНКАЛАР БОР:

Қалин резина тагчармли, эркакларнинг иссиқ ботинкалари (39—43 размерлар). Ленинград пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган;

калта қўнжли, иссиқ астарли (мўйна) этиклар, замокли, (40—44 размерлар). Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган;

резина тагчармли сукно ботинкалар (41—42 размерлар). Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган;

болаларнинг қалин пошнали ва резина тагчармли мўйнали этикчалари (33—34 размерлар). Чирчиқ пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган;

болаларнинг кул ранг ва қора рангдаги сукнодан резина тагчарм қўйиб тикилган этикчалари (30—33 размерлар). Хотин-қизларнинг мўйна астарли, паст пошнали (жигар ранг ва қора ранг) этиклари (37—40 размерлар). Фарғона пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилган;

хотин-қизларнинг қизил рангли сукнодан резина пошна қўйиб тикилган этиклари (33—36 размерлар).

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг норка ёқали пальтолари хотин-қизлар эътиборини ўзига жалб этади. Пальтолар — кокет қўйиб, бели бурма қилиб, белбоғли ва чўнтак қопқоғи қийшиқ ўтказиб тикилган. Пальтонинг кокетлари ва чўнтаклари кент чокли қилиб тикилган. Ҳаво ранг, олча ранг, жигар ранг пальтолар сотувга қўйилган. Норкадан («қаҳрабо», «жигарранг», «қимматбаҳо тош-топаз» рангли) тутилган унча катта бўлмаган думалоқ ёқа пальтога жуда ярашган.



МАГАЗИН АДРЕСИ: Янгиобод турар жой массиви, Алиев кўчаси, 82-уй (Транспортлар: 23, 26-автобуслар; 15-такси маршрути).

Иш соатлари 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни — якшанба.

«ТАШПРОМТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

20 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 Болалар учун. «Еттидан ўн иккигача». Бадиий фильм. 19.05 «Йил фаслари». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН РСФСРга БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММА. «Вақтдан ўзиб». Телевизион ҳужжатли фильм. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 21.30 «Время». 22.15 Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концертининг давоми. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Эрмитаж». Рус амалий санъати.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

22.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — Кунцево спорт клуби. 23.55 Н. Римский-Корсаков, «Шаҳризода». Симфоник юита. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

1

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Л. Н. Толстой қадамжолари бўйлаб». «Ясная Поляна». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тўс-тўполон». Қўғирчоқ фильм. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.50 «Меҳнаткашларнинг дам олишига давлат ғамхўрлиги» (рус.). 19.20 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАҚИДА ТЕЛЕОЧЕРК. Ҳ. ҚОРАБОЕВ — «ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ БРИГАДА БОШЛИГИ. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 М. Ойнақулова, Н. Ўрозова ва А. Орифжонов иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Балхар тароналари». Телефильм. 21.00 «Дунё воқеалари». 21.30 Москва. «Время». 22.15 КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪРИЯТ ВА МУЗИКА КЕЧАСИ. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

21 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси.

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.10 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинградда олиб кўрсатилади. 10.40 «Архитектура». 11.10 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 12.40 «Адабий суҳбатлар». 13.25 «Ҳайвонот оламида». 14.25 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. «Буюк китоб боблари». «Талабчанлик». Ўнинчи беш йиллик ҳақида. 15.25 «Дунё воқеалари». 15.40 Мультфильмлар программаси. 16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Крылья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Спортлото»нинг 8-тиражи.

18.15 «Қўшиқ инсон билан қолади». 19.00 Снеғий шаҳрловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.30 Лирик концерт. 20.10 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Оғиш бурчаги — ноль». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.15 Икки марта Қизил Байроқли А. В. Александров номли Совет Армияси академик ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.45 Спорт программаси: Бокс бўйича СССР кубоги. «Измайлово» огир атлетика саройидан олиб кўрсатилади. Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Гренобльдан олиб кўрсатилади. 00.05 Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Тошкент шаҳар «Восток» клуби «Парвоз» ашула ва рақс ҳаваскорлик ансамблининг концерти. 10.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сени улуғлайман, монолит партиям». Шеърий композиция. 11.20 «Сув кетидан сув келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида суралашишга ўргатиш. 11.40 «Мўъжизалар куни». Болалар учун фильм-концерт («Узбектелефильм»). 12.05 «Табиатга муҳаббат». 12.35 «Офицерлар». Бадиий фильм (рус.). 14.10 В. И. Ленининг «Ягона хўжалик плани ҳақида» мақоласи нашр қилинганлигининг 60 йиллигига. 14.25 «Шахмат мактаби». 14.55 Реклама. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Довюрак чигиртка». Мультфильм.

18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари». 18.30 «Биз коммунизм қурамиз». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидаги республика кўргазмасидан репортаж (рус.). 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Санъат усталари». Л. Саримсоқова (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Янги қаҳрамонлар». 22.30 «Соҳиллар». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик химия институти коллективи экспериментал-технология группасининг катта илмий ходими Х. Исаевага онаси

Шодимон ИСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон онкология ва радиология илмий-текшириш институти коллективи клиникаининг рентгенолог врачи

Абдураҳмон АБДУМУТАЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-60; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

20 ФЕВРАЛЬ, 1981 й. Р—02798. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. В—2050. 7